Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 10 сентябрь, шанба № 140 (21.744). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

НАҚД МИЛЛИЙ ВАЛЮТА НИ ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА АЛМАШТИРИШНИНГ ЧЕКЛАНГАН СУММАСИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини аҳоли томонидан эркин муомаладаги валютага алмаштириш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги 379-сон қарорини қисман ўзгартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, шу йилнинг 10 сентябридан бошлаб «сўм»ларни вакил қилинган банкларнинг ихтисослаштирилган алмаштириш пунктлари орқали эркин муомаладаги валютага алмаштириш суммаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бир жисмоний шахс (ёки унга тенглаштирилган резидент) ҳисобига 1994 йил охиригача (илгари алмаштирилган суммани назарда тутган ҳолда) 1000 АҚШ долларигачани ташкил қилиши мумкин.

2. Бундан буён нақд миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштириш миқдорлари ва тартиби тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил, 9 сентябрь.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмида

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА

Қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг етакчи сиёсий кучига айланган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳадемай ўзининг уч йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси партиямиз ташкил топганлигининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари режасини тасдиқлаб, махсус қарор қабул қилди. Унга кўра, уч йиллик арафасида республикадаги барча бошланғич партия ташкилотларида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси — ислоҳотчилар, бунёдкор ватанпарварлар партияси» мавзуида тантанали йиғилишлар ўтказилади. «Ўзбекистон Халқ демократик партияси фидойилари» фахрий китоби таъсис этилиб, унга ташаббускор, фаол партия аъзоларининг исм-шарифлари ёзилади. Байрам кунларида «Ўзбекистон ХДП — мустақиллик фарзанди» мавзуида фотокўргазма очилади. Партиямизга янги қабул қилинган аъзоларга билетлар топширилади. Партия кенгашларида ХДП фаоллари, фахрийлар, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари қабул қилинади. Партия фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга йўл оладилар. Булар — мўлжалланаётган ишларнинг бир қисми бўлиб, Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига ўзларининг тадбирлар мажмуини тайёрлаб, уни республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга тайёргарлик билан уйғун тарзда, изчил, юксак ташкилий-сиёсий ва ғоявий даражада амалга оширишни тавсия этди.

Энг муҳими, партиямиз ташкил топганлигининг уч йиллигига бағишланган ҳар бир маъруза, суҳбат, очиқ мулоқот, илмий-амалий анжуман, мақола, телекўрсатув, радиоэшиттириш дастурий ғояларимизни, Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини, республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримов бошчилигида Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлини кенг тарғиб этишга йўналтирилган бўлишига эришиш керак. Барча оммавий-сиёсий ишлардан кўзланган пировард мақсад Ўзбекистон ХДПнинг аҳоли барча қатламларидаги обрў-эътиборини ошириш, партиямиз ташкилотларининг мавқеини мустаҳкамлаш, бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўришдан иборат эканлигини унутмаслик лозим, дейилади қарорда.

Сиёсий ижроқўм партиямиз газеталари таҳририятларига Ўзбекистон ХДПнинг уч йиллигини, шу муносабат билан жойларда ўтказиладиган тадбирларни кенг ёритишни топширди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Президент жаноблари!

Шу йил июнь ойидаги учрашувимизда асос солинган дўстона муносабатларни янада ривожлантиришдан мен жуда манфаатдорман.

Корея Республикаси ҳукумати 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон ёшларини, шу жумладан корейс миллати вакилларини Корея Республикасида таълим олишга таклиф этмоқчи. Бу дастур Ўзбекистон томонининг эҳтиёжига қараб амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда Корея Республикаси ҳукумати 30 кишини 4 ҳафта муддатга таклиф қилишни режалаштирмоқда. Корея Республикаси ҳукумати кейинчалик, Ўзбекистоннинг эҳтиёжини ва Кореянинг имкониятини ҳисобга олиб, таълим олиш учун таклиф этиладиган талабалар миқдорини кўпайтириш ниятида.

Ким Ен САМ,
Корея Республикаси Президенти.

ВЬЕТНАМ ЭЛЧИСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов 9 сентябрда Вьетнамнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Ван Дакни унинг илтимосига кўра қабул қилди. У партиямиз ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга қўшаётган ҳиссаси ҳамда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлажак сайловларга кўрилаётган тайёргарлик тўғрисида сўзлаб берди.

Элчи ўз навбатида Вьетнамдаги иқтисодий ислоҳотлар ва бу борада қўлга киритилаётган муваффақиятлардан хабардор қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби И. А. Кочмарик қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Хитой халқи ҳамда шахсан ўз номимдан Сизни ва Сиз орқали ўзбек халқини самимий табриклайман.

Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланиши иккала мамлакат халқларининг туб манфаатлари ва орзу-умидларига мос келади.

Сиз жаноби олийларининг Хитойга қилажак ташрифингизни сабрсизлик билан кутмоқдаман ва бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни тағин ҳам юқори поғонага кўтаришига аминман.

Мамлакатингизга фаровонлик ва куч-қудрат, унинг халқига бахт-саодат тилайман.

Цзян ЦЗЭМИНЬ,
Хитой Халқ Республикаси Раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ҳурматли қардошим Ислом Каримов!

Ўзбекистон Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сиз зоти олийларини, Сиз орқали қардош ўзбек халқини ўз номимдан ва турк халқи номидан қутлаб, энг яхши тилакларимни йўллайман.

Ўзбекистон зукко раҳбарлигингиз остида қўлга киритган муҳим ютуқлар ва халқаро миқёсда қозонган эътиборни қувониб кузатиб бормоқдаман.

Туркия — Ўзбекистон муносабатлари ва ҳамкорлиги ўтган уч йил ичида муштарак манфаатларимиз йўлида ажойиб самаралар берди. Ўзаро манфаатли бундай ҳамкорлик келгусида яна ҳам кенгайишига ишонаман.

Бу тарихий кунда Сиз зоти олийларига соғлиқ, бахт ва муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу.

Халқ ва ҳукумат номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизни ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини мустақиллигининг уч йиллиги билан самимий табриклашдан мамнунман.

Эзгу ният билан Сизни ишонтириб айтамизки, Афғонистон Ислом давлати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини юксак қадрлайди ва бу истиқлол янада мустаҳкамланишини тилайди.

Биз икки қардош, мусулмон ва қўшни халқ ўртасидаги муносабатларга соя ташлаб турган барча ғовларни бартараф этиш зарур деб биламиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий қардошлик муносабатлари турли соҳаларда янада ривожланишини истаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига сиҳатсаломатлик ва муваффақият, Ўзбекистон давлати ва унинг қардош халқига равнақ ҳамда фаровонлик тилайман.

Профессор Бурҳониддин РАББОНИЙ,
Афғонистон Ислом давлати Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Мустақиллик байрами муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Колумбия округининг ҳокими сифатида самимий тилакларимни йўллашни ўзимга катта шараф деб биламан.

Мустақиллик ҳар бир миллат тарихида улкан ютуқдир. Ўзбек халқининг бу бойликни эъзозлаётгани эса яна ҳам қувончли.

Табрикларим ва энг эзгу истакларимни қабул этгайсиз.

Шарон Пратт КЕЛЛИ,
Колумбия округининг ҳокими.
Вашингтон.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Задарё тумани ҳудудидаги Мингбулоқ нефть конида айни кунларда иш қизғин. Чунки Мингбулоқликлар республика ёнилғи мустақиллигини таъминлашни ўзларига мақсад қилиб қўйишган. Мана, тинимсиз меҳнат ўз натижасини беряпти. Яқинда қудуқларнинг биридан нефть чиқариб олиш йўлга қўйилди.

Бугунга келиб нефть чиққан қудуқни саноат учун ўзлаштириш юмушлари бажарилаяпти. Нефть дастлабки ишловдан сўнг Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасига жўнатилади. Ҳозир Мингбулоқдаги бошқа қудуқларда ҳам катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) Мингбулоқ нефть кони пармалаш участкаси бошлиғи Маҳмуджон Ортиқов, нефть корхонаси марказий мухандислар технологияси бўлими бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган саноат ходими Тўлқинбой Тошпўлатов ва кон ишчиси Мухторжон Умаров.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

• Юртимизга жаҳон қучоқ очмоқда

Яқинда республикамизнинг бир гуруҳ таниқли мутахассис ва раҳбар ходимлари Италия республикасида сафарда бўлиб қайтдилар. Улар орасида тажрибали пахтакор, Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Қ. Раҳимов номли ижара ширкатлари уюшмаси директори Худойқул Холбеков ҳам бор. Мухбиримиз у билан суҳбатда бўлди.

— Худойқул Искановича, Италияга сафардан мақсад нима эди?

— Сўнгги йилларда бошқа кўплаб ривожланган мамлакатлар сингари Италия сармоядорлари ҳам Ўзбекистон билан қизиқиб, ҳамкорлик қилиш истагини билдира бошладилар.

Тўғри, Италия Совет тузуми йилларида ҳам республикамиздан пахта, қоракўл тери, пилла ва бошқа хом ашёлар олиб турган. Эндиликда «Италжева» фирмаси ва «Тадина» илмий текшириш институти мутахассислари бизнинг уюшмамизни йирик чорвачилик ва деҳқончилик бўйича намунали тажриба хўжалигига айлантиришнинг илмий асосланган лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Ана шу лойиҳа билан таништириш, уни амалга ошириш шартларини келишиб олиш мақсадида бизни таклиф этдилар.

— Шундай лойиҳани илтимос қилганмидингиз?

— Йўқ, бизнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларимизга ва яна баъзи шарт-шароитларга қараб, ўзлари танлаб, ҳар томонлама таҳлил этишган, икки томон манфаатларига мос деган қарорга келишиб, шу ишга қўл уришган.

— Шартларни келиша олдингизми?

— «Тадина» институтининг раҳбари Виттория Тадина таниқли қишлоқ хўжалик мутахассиси ва олими, жаҳон миқёсидаги илғор технологияларни ўрганиш ва жорий этиш билан узоқ йиллардан бери шуғулланиб келаётган ноёб истеъдодли киши экан. Биргина Италиянинг ўзида ўттизга яқин ишлаб чиқариш мажмуи ана шу кишининг лойиҳаси асосида катта даромад келтирмоқда. Унинг бизга қилаётган барча таклиф ва хулосалари ҳам шу қадар асосликки, шартлари биз учун ҳам, улар учун ҳам фойдалидир.

— Ўша лойиҳада нималар кўзда тутилган?

— Уюшмамизда қорахона қурилиши ҳам лойиҳада белгиланган.

Бўлажак ҳамкорларимиз беш хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва цехи барпо этишни ҳам ўз зиммаларига олдилар. Бундай цех қуриш улар учун анча жўн иш. Цехда томат, қиём, шарбатлар, вино ва джемлар ишлаб чиқарилади. Джем ва қиёмлар учун ўрик, олма, шафтоли ва беҳи ўстириш ҳам уларнинг технологияси асосида амалга оширилади. Шу йилнинг охиридан бошлаб серҳосил кўчатларни келтира бошлайдилар ва 100 гектар ернинг маълум қисмида боғ яратишга киришадилар. Келаси йил кўкламдан 60 гектарлик токзорга ҳам асос солинади. Ҳатто помидор кўчатлари ва уруғларини ҳам ўзлари олиб келишади.

— Уларнинг навлари серҳосилми?

— Олмазорларининг ҳар гектаридан 1—1,2 минг центнердан, помидордан 600 центнердан, қулупнайдан 100 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олишаркан. Бу, биздагидан икки баравар кўп.

Нега шундайлигини биласизми? Бизнинг парваришлаш усулимиз орқада. Айниқса, кимёвий ишлашга яхши эътибор бермас эканмиз. Навларимиз ҳам паст. Боғдорчилик маданиятига қойил қоласиз, боғлари гўё ҳар куни шакл берилиб, ҳар куни боғбон меҳридан баҳраманд бўлаётгандай яшнаб турибди. На қаторларда, на дарахтлар тубида бирор туп бегона ўт кўринади. Олмаяшиланиб, тармоқ ўша Голландия ёки Канада даражасига яқинлашиб қолган.

— Уюшмангизда италянлар барпо этадиган чорвачилик мажмуи, қайта ишлаш корхоналари, боғлар, токзорлар ва бошқа экинзорларда ишлаш учун маҳаллий кадрлар тайёрланадими?

— Улар ишлаб чиққан лойиҳа бешта китоб ҳолида чоп этилган. Лойиҳани тўла амалга ошириш беш йилга мўлжалланган. Лойиҳага кўра, юқоридаги бунёдкорлик ишларини давом эттириш билан бир пайтда уюшмамизда йирик ўқув маркази ҳам ташкил этилади. Ўқув марказида янги технология асосида чорва молларини парваришлаш, помидор ва мева етиштиришнинг барча сир-асрорлари ўқув дастури сифатида ўргатилади. Ўқув маркази қошида махсус лаборатория қурилиб таҳлиллар, тавсиялар ишлаб чиқилади.

— Италия деҳқонлари ишларини кузатдингизми?

— Экин экилаётган бир жойда бўлдик. Тупроқни шу қадар майин юмшатишмоқдаки, гўё упага ўхшайди. Тупроққа аралаштирилаётган гўнг ҳам худди шундай. Техникалари ихчам, қуввати юқори. Уларга ҳавасим келди. Хавас қилган муродга етади дейишади. Иншоолло, ишларимиз юришиб кетгай.

— Бултур Голландияга ҳам борган эдингиз. Солиштириб кўрдингизми, қай бири бойроқ?

— Қай бири бойроқ эканини айтиш қийин. Негаки, 2—3 кун ичида буни аниқлаш ҳам маҳол. Лекин деҳқончилик маданияти, одамлари онгидаги ватанпарварлик ҳисси жуда ўхшаш. Лекин Голландия деҳқонлари ерни денгиздан тортиб олиб, ўзлаштириши ва шу боис меҳнати янада оғир экани ҳисобга олинса, уларни тадбиркорроқ дейиш ҳам мумкин.

Суҳбатдош Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНТИЛГАНЛАР ЕТАР МУРОДГА

молчилик ва деҳқончиликни ривожлантириш назарда тутилади. Бунинг учун ферма биноси қайта қурилади. Италянлар 600 бош бўғоз ёки бузоқли сигирлар олиб келишиб, уларни 5 та молхонага тақсимлайдилар. Ҳар бир молхонада 120 бошдан сигир боқилади. Сигирларнинг ҳар бири кунига 20 литрдан кам сут бермайдиган маҳсулдор сигирлар бўлади. Шу тариқа тўрт йил ичида ҳар кеча-кундузда 24 тонна сут ишлаб чиқарадиган фермага эга бўламиз. Ана шу сутни уюшмамизнинг ўзида қайта ишлаб қаймоқ, қатиқ, пишлоқ, сузма, музқаймоқ ва бошқа маҳсулотларга айлантирадиган ларига бир дона қурт тушишини фавқулодда ҳол деб биласиз.

— Қишлоқ хўжалиги Сизда қандай таассурот қолдирди?

— Тармоқда деҳқончилик асосий ўринни эгаллаб, ғалла ва шоли кўпроқ етиштирилади. Сабзавотчилик ва картошкачилиги ҳам ҳавас қилса арзийди. Боғдорчилик ҳамда узумчиликда Италиянинг ўзига хос тажрибаси бор. Зайтун мойи етиштириш ва жаҳонга етказиб беришда учинчи ўринда туради.

Италия чорвачилиги илғорилари ўртача ҳисобланган. Лекин кейинги пайтда моллар зоти ва маҳсулдорлиги

Дунё воқеалари

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ДАЪВАТИ

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолий Афғонистондаги мухолиф кучларни Кобул атрофида ракета ва тўплардан ўт очмасликка ҳамда пойтахт йўлларини инсонпарварлик ёрдами учун очиб қўйишга чақирди.

БМТ Бош котиби Афғонистондаги барча кучлар раҳбарларини мамлакатда тинчлик ўрнатишга даъват этди.

ЧЕГАРА БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛА

● Осиёнинг Жануби-Шарқида жойлашган мамлакатлар ўртасидаги чегаралар билан боғлиқ баҳслар кўп йиллардан буён давом этиб келмоқда.

Жумладан, Сингапур ва Малайзия ҳукуматлари узоқ давом этган ана шундай беҳуда музокаралардан сўнг Педра Бланка ороли муаммосини ҳал этишда халқаро ҳакам ёрдамидан фойдаланишга аҳд қилди. Айни пайтда минтақадаги Сипадан ҳамда Лигитан ороллари эгаси қайси давлат эканини аниқлашда ҳам Малайзия ва Индонезия ҳукуматлари учинчи бир томоннинг холис ҳакамлигидан фойдаланмоқчи.

ДАЪВОГАРЛАР БАҲСИ

● Жанубий Хитой денгизидаги Спратли ороллар туркуми ҳам ушбу минтақадаги давлатлар ўртасида баҳсларга сабаб бўлаётган хавфли нуқта бўлиб турибди.

Бруней, Вьетнам, Хитой, Малайзия, Тайвань ва Филиппин давлатлари ушбу ороллларга даъвогарлик қиляпти.

КУБАЛИК ҚОЧОҚЛАРГА ДОИР МУЗОКАРАЛАР

● Нью-Йоркда Америка Қўшма Штатлари билан Куба делегациялари ўртасида кубалик қочоқлар масаласига доир музокаралар бир неча кундан буён давом этмоқда.

Куба парламенти раиси, делегация раҳбари Рикардо Аларкон музокаралар жиддий ва ўзаро ҳурмат асосида ўтаётганлигини айтди.

САВОДСИЗЛИК СИРНИ ОШКОР ЭТДИ

● РАТА—ТАСС мухбирларининг хабар беришича, Россия Федерациясининг Вологда шаҳрида эллик минг рубллик қалбаки пуллар пайдо бўлган.

Қалбаки пуллар ўта юқори сифат билан тайёрланган Лекин саводи ғовлаган устомонлар «Банк Россия» деган сўзларда битта «и» ҳарфини тушириб қолдиришибди.

ҲИНД АСКАРЛАРИГА УМИД БОҒЛАШМОҚДА

● ДЕҲЛИ. Сомалининг етакчи сиёсат арбоблари Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан мамлакатда тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибидаги ҳиндистонлик аскарларни ватанларига қайтармасликни сўраб мурожаат қилдилар.

Деҳли ахборот маҳкамасининг ишончли манбаларга асосланиб хабар беришича, Сомали раҳбарлари мамлакатдаги нотинч вазиятни барқарорлаштиришда Ҳиндистонга катта умид боғламоқдалар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

• *Партия фаоллари минбари*

АМАЛИЙ ИШЛАР ОРҚАЛИ

Туман партия кенгаши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, фермер хўжаликлари, кичик корхоналарни қўлайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Қишлоқда саноатни ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам диққат-эътиборда.

Туманда 68 та фермер хўжалиги, 17 та кичик корхона, 110 та хусусий (савдо ва маиший хизмат бўйича) дўкон, 21 та ҳиссадорлик чорвачилик фермаси бор. Уларда 427 нафар ХДП аъзоси меҳнат қиляпти.

Тадбиркорлик ва ишбилармонликни такомиллаштириш, қишлоқда саноатни ривожлантириш борасида Х. Хўжақулов номли, «Қашқадарё», А. Навоий номли хўжаликлар партия ташкилотларида (котиблари Б. Ризоқулов, Э. Тошев, Б. Арабов) ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда «Қашқадарё» жамоа ширкат хўжалигида туман партия кенгашининг кўчма бюроси ўтказилди. Унда ширкат хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида туман партия кенгашининг аъзоси, хўжалик раиси Я. Муҳаммадиевнинг ҳисоботи тингланди. Хўжаликнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги фаолияти атрофлича ўрганилди.

Туманимиздаги кўпгина хўжаликларда ҳудудий партия ташкилотларнинг котиблари шу маҳалланинг ишларини ҳам бирга қўшиб олиб бормоқдалар. А. Навоий номли хўжалик ҳудудидаги Хўжа Касби маҳалласида ҳудудий партия ташкилотига маҳалла қўмитаси раиси Усмон Файзиев, Ш. Рашидов номли жамоа ширкат хўжалигининг Жизза қишлоғи ҳудудий партия ташкилотига эса Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси бўлим мудири Рўзимурод Ҳасановлар котиб этиб сайландилар. Улар ўз фаолиятида партия сиёсатини аҳоли ва айниқса, ёшлар ўртасида атрофлича тушунтириб бормоқдалар.

Бундай эзгу ишлар «Пахтакор», «Москва», Сайида Насафий номли жамоа ширкат хўжаликларида ҳам кенг йўлга қўйилган. Қодир Ниёзқулов, Раҳматулло Тиркашев каби ХДП аъзолари партиянинг ҳозирги сиёсатини маҳалла аҳли орасида

тарғиб этяптилар.

Аҳолининг кам даромадли қисмини, ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш партия дастурининг асосий мақсадидир. Шу нуқтаи назардан туман кенгашининг бюро ва пленум йиғилишларида партия ташкилотларининг бу борада амалга ошираётган ишлари ўрганиляпти. Шунга кўра раҳбар партия аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилган. Назорат инспекцияси бошлиғи Н. Орзиқулов, Х. Хўжақулов номли жамоа ширкат хўжалиги партия ташкилоти котиби Б. Ризоқулов ҳамда пахта тозалаш заводи директори О. Ғаниевларнинг ҳисоботлари туман кенгашининг пленум ва ижроия бюро йиғилишларида эшитилди.

Бугунги ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиш қийин. Кейинги вақтда партиямизнинг нашри «Ўзбекистон овози» газетасида партия ташкилотларидаги илғор тажрибалар ҳамда Президент Фармонларининг қандай бажарилаётганлиги кенг ёритиб бориляпти. Ўз ўрнида биз ана шу газетани қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилаб олганмиз. Туманимиз бўйича 684 киши 1994 йил учун обуна бўлгандилар. Партия ташкилотлари илғор, фаол партия аъзоларидан 183 кишини бепул обуна қилишга эришганди. Келгуси йил учун обуна мавсумида ҳам жонбозлик кўрсатамиз. Газетанинг 75 йиллик юбилейи муносабати билан тумандаги мусиқа мактаби ҳамда «Наврўз» жамоа ширкат хўжалигидаги маҳаллага «Ўзбекистон овози» газетаси номи берилганлиги ҳам газетага бўлган эътибордан далолатдир.

Партия ташкилотлари бу йил ғоят масъулиятли сиёсий кампанияни ўтказиш олдида турибди. Айни вақтда туман кенгаши ўзининг бутун эътиборини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунларнинг моҳиятини омма орасида кенг тушунтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шунга кўра, мазкур қонунларни ташвиқ қилиш учун 167 кишидан иборат ташвиқотчилар ва тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилди.

Туман партия кенгаши Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш борасида жорий ва узоқ муддатли чора-тадбирларни белгилаб олди. Бинобарин, барча партия ташкилотларида ташвиқотчилар гуруҳларининг таркиби ҳам қайтадан кўриб чиқилди. Гуруҳларга туман кенгаши ижроия бюро аъзолари, партия фаоллари, муаллимлар, халқ зиёлилари, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар жалб қилинди. Биз зиёлиларсиз мафкуравий ишларимизни тасаввур қила олмаймиз. Туманимизда 207 нафардан зиёд ХДП аъзоси партиядан ҳоли қилинган ташкилотларда фаолият кўрсатяптилар. Улардан 127 нафари ўқитувчилардир. Уларнинг қўмагига таянаяпмиз.

Эндиликда туман кенгаши иш юритишнинг янги усулларини қидириб топмоқда. Ҳар чоракда бир марта партия ташкилоти котиблари билан «Ўқув-семинарлар» ўтказиш одат тусига айланган. Унда партия Дастури ва Низомини котиблар қанчалик чуқур ўзлаштиргандикларини, қолаверса, уларнинг сиёсий билимларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, партия ташкилотларининг галдаги вазифалари аниқ белгилаб берилади. Айни кунларда бошланғич партия ташкилотларида «Туман кенгаши кунлари» сиёсий тадбири ўтказилмоқда. Бунда ҳар бир бошланғич партия ташкилотида туман кенгаши аппарати ходимлари 2—3 кун бўлиб, уларга йўл-йўриқлар ва методик тавсиялар беради.

Энг муҳими, туман партия кенгаши ўзининг асосий йўналишини мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётини янада юксалтириш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда республика Президенти, ХДП Раиси И. Каримовнинг халқчил сиёсатини, шунингдек, партиянинг ҳозирги сиёсатини оммага етказишга қаратмоқда. Бу ишларимиз ўзининг самарасини беряпти.

Шу йилнинг ўтган даврида 63 киши ўз тақдирини Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан боғлади. Партияга қабул қилинганларнинг 52 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Партия сафини мустаҳкамлашда тумандаги Мирзо Улуғбек, Х. Хўжақулов, Сайида Насафий номли жамоа ширкат хўжаликлари, туман маданият бўлими, пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилотлари ибратли ишлари билан ҳисса қўшмоқда.

Хуллас, бундан кейин ҳам туман партия кенгаши амалий ишлар орқали партия обрўсини, унинг салоҳиятини оширишда барча имкониятларни ишга солаверади.

Мустафо ШОНИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Касби тумани кенгаши биринчи котиби.

ТЕМИР СОҚҚАЛАР

Ўзбекистон металлургия заводида республикамиз аҳамиятига молик темир соққалар ишлаб чиқариш станнинг биринчи навбати ишга туширилди. Эндиликда мамлакатимиздаги олтин кони хизматчилари, цемент комбинати жамоалари, маъдан билан ишловчи корхоналар темир соққаларни Россиядан эмас, Бекободдан оладиган бўлишди.

Янги станнинг лойиҳа қуввати 100 минг тонна. Бу ерда 40, 65, 80 ҳажмдаги (ўлчамдаги) темир соққалар тайёрланади. Яқинда 71 тонна маҳсулот Олмалиқ тоғ металлургия комбинати жамоасига етказиб берилди.

Янги қувватдан дастлабки маҳсулотлар олишда стан бошлиғи Суннатилла Бадалов, бригада бошлиғи Аклар Одилов ва оператор Дмитрий Федотовларнинг хизмати катта бўлди.

Бекобод металлургия заводи Олмалиқ, Навоий ҳамда республикамизнинг бошқа вилоятларидан буюртмалар қабул қилмоқда.

Турсунали УСМОНОВ.



Наманган вилоятининг Уйчи туманида савдо тармоқларини хусусийлаштириш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Шу боис аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда. Кўп тармоқли «Машад» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси ҳам шулар жумласидандир. Фирма 40 минг аҳолига хизмат қилади. Бу ерда 52 киши 13 та бўлимда ишлайди.

— Бизнинг фирмамизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллик байрамига муносиб совғалар тайёрланди, — дейди фирма раҳбари Камолиддин Бобомирзаев. — 1 сентябрь куни янги гилам цехи, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўшт дўкони, қишлоқларнинг бирида эса дўкон ишга туширилди. Бунёдкорлик ишларининг ҳаммасини фирмамиз қошида ташкил этилган қурувчилар бригадаси амалга оширди.

СУРАТЛАРДА: савдо марказидан айрим лавҳалар.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

• *ХДП ҳаётидан*

МАФКУРА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Ҳар қандай жамият ўз мафкурасига эга бўлмоғи ва шу мафкура асосида ривожланиб бормоғи лозим. Ана шунда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, маълум мақсад сари интилади.

Мустақиллигимиз тетапоя бўлаётган бир пайтда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ғояларини халққа етказиш, унинг эл-юрт қалбидан ўрин олиши долзарб вазифалардандир. Бу борада Норин туман партия кенгаши бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, мафкурани сиёсий соҳаси бўйича ўз фаолиятини янада кучайтириш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Натижада партия аъзоларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида 318 нафар киши ХДП сафига қабул қилинди.

Олий Мажлисга сайловларга тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилди. Шу асосда тадбирлар белгиланиб, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шу йилнинг бошида туман ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, мактаб директорлари ҳамда барча бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунни ўрганиш бўйича ўқув-семинар ўтказилди. Шундай семинар Ҳаққулобод шаҳар маҳаллалари оқсоқоллари, цех партия ташкилотлари котиблари ва шаҳар мактаблари директорлари иштирокида ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, мазкур тадбир туман марказий касалхонаси, 16-ҳунар техника билим юрти, шаҳар ва тумандаги 4-, 37-, 22-ўрта мактабларда ҳам бўлиб ўтганлигини таъкидлаш жоиз.

Миллий истиқлол мафкурасининг маънавий соҳаси бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Партия кенгаши томонидан янгича урф-одатлар, анъаналар ва миллий қадриятларни тиклаш борасида ҳам аниқ режалар асосида иш ташкил этилган. Мазкур режа асосида навбатдаги ижроия бюро йиғилиши бўлди. Унда туман ташкил топганлигининг 70 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Мафкурамизни ҳаётга татбиқ этишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, вилоят партия кенгашининг ижтимоий-сиёсий рўзномаси бўлган «Халқ иродаси»да бир неча марта туман партия кенгашининг сиёсий-маънавий фаолиятини ёритувчи мақолалар берилди. Шунингдек, тумандаги «Нурли йўл» рўзномасида ҳам ана шундай материаллар эълон қилинди. Бу борада туман радиоси ҳам бир қатор эшиттиришлар бериб боряпти. Унда партия фаоллари ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари фаол иштирок этмоқдалар.

Туман маданият бўлими томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда Миллий истиқлол мафкураси асосий қўлланма қилиб олинди.

Бу ишларнинг ҳаммаси туманда иқтисодий ислоҳотнинг чуқурлашувида муҳим омил бўлмоқда. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўтган йилдагига қараганда анча ижобий силжишларга эришилди. Ишлаб чиқариш соҳаларида ўсиш давом этмоқда. Жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайиб, 8 ойлик режа 103,8 фоиз бажарилди.

Мирзакамол ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Норин туман кенгашининг биринчи котиби.

• *Воқеа арафасида*

МЕНЕЖМЕНТЛАР—2000 ЙИЛДА

12—16 сентябрь кунлари Тошкентда «Ўзбекистонда 2000 йилгача бўлган даврда менежмент таълимоти» мавзуида халқаро симпозиум ўтказилади. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Европа ҳамжамиятининг ТАСИС программаси комиссияси билан ҳамкорликда ўтказади. Мазкур анжуманни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетлари биргаликда уюштиришган.

— ТАСИС—Европа ҳамжамиятининг Ҳамдўстлик мамлакатларига амалий ёрдам программасига мустақил республикамиз ўтган йили қўшилган бўлса-да,— дейди Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташқи алоқалар Бош бошқармаси бошлиғининг муовини Наримон Ҳасанов,— мана бу йил Ҳамдўстлик давлатлари ичида илк марта бизда шундай катта йиғин ўтказилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ТАСИСнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ходимлари анжуманни уюштирган университетларда уч ой мобайнида ўқитувчилар жамоасига менежментликни, ишбилармонлар тили бўлмиш инглиз тилини ўргатишди. Мазкур анжуманда Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган Германия, Англия, Испания, Италия каби давлатлардан келган ишбилармонлар, бизнесменлар, компаниялар раҳбарлари қатнашадилар. Асосий мақсад —шу давлатлар тажрибасини ўрганиш, фикр алмашиш ва уни бизда татбиқ қилиш йўлларини аниқлашдан иборат.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистонга қандай менежментлар керак, уларни ўқитишда қандай муаммолар мавжуд, бизнес мактабларининг қай хили республикамиз учун маъқул бўлади, менежмент бўйича биз учун қандай программа зарурлиги хусусидаги масалалар ҳам ҳал этилади.

Ўйлаймизки, бу катта йиғиннинг натижаси янги аср бўсағасида турган республикамизнинг келажаги учун зарур иқтисодиёт кадрлари тайёрлашда ўз ифодасини топади.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ЖУРНАЛ ЖАМОАТЧИЛИККА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тошкентда янги журнал — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази нашри «Тафаккур» журналининг тақдимоти бўлди. Маросимни республика Президентининг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст очди.

— Республика Президентининг Фармони билан «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилганидан хабарингиз бор,— деди у.— Фармонда мазкур марказ қошида журнал нашр этиш ҳам кўзда тутилган эди. Бугун ана шу «Тафаккур» журналининг нишона сони қўлимизга тегди. Бу адиблар, олимлар, зиёлилар, бутун жамоатчилик ҳаётида қувончли воқеадир. Ўйлаймизки, журнал жамиятнинг барча қатламларининг куч-ғайратини бирлаштиришга хизмат қилади, адолат тамойиллари ҳамма нарсадан устун бўлган маърифий жамият тузишимизда бизга йўлдош бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов журнал жамоасини, жамоатчилик вакилларини қувончли воқеа билан самимий қутлади.

Шунингдек, сўзга чиққанлар журналнинг нишона сони қисқа вақтда дунё юзини кўришида камарбаста бўлган ижодкорлар, журналистлар, айниқса матбаа ходимлари меҳнатини таъкидладилар. «Тафаккур» фикр минбари бўлишига, бой маънавий меросимизни, асрий қадриятларимизни тарғиб этишига, теран тарихимизни ўрганиш, миллий мафкурамизни шакллантириш, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлидаги фикру ўйларимизни, орзу-истакларимизни ўзида мужассам этишига ишонч билдирдилар.

Маросимда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

(ЎзА).

Неъмат АМИНОВ

БИР АСР ҲИКОЯТИ

ТЕМИРЧИДАН ҚОЛГАН ТИЛЛОЛАР

Ҳурматли ўқувчи! Бўлғуси китобдан илк парчаларни умидли «Тафаккур» журналимиз орқали Сизга тақдим этишдан мурод падари бузрукворимиз Усто Амин Нуруллобой ўғлини буюк аллома ёки донишманд қилиб кўрсатиш эмас, балки оддий, тақводор темирчининг бир асрлик умр лавҳалари мисолида ўзбек халқининг тарихий қисматига яна бир назар ташлашдир.

Муаллиф.

* * *

— Отахон, мана 96 ёшга кирибсиз. Сизнингча, узоқ яшашнинг сири нимада?

— Нима дейди?

— Узоқ яшашнинг сири нимада, деб сўраяптилар.

— Ҳа-а... Сирини билмайман. Парвардигор мани йўқ жойдан бунёд этди: қўл берди, оёқ берди, кўз берди, қулоқ берди, ризқу-рўз берди, покдомон хотин насиб этди, ақли комил фарзандларни берди. Бир умр шукр қилиб яшадим. Узоқ умр берди — унинг сирини ҳам ўзи билади-да, мухбир бачам. Энг олий сирдон — Яратганнинг ўзи.

* * *

Тўқсон олтига кирдим. Кўзим хира, қулоғим эшитмайди. Оёқларимда дармон йўқ. Билмадим, бир куни қарисам нима бўларканман?

* * *

Бу дунёга келиб уч нарсадан ҳазар қилдим: биринчиси — тилло, иккинчиси — милтиғу, таппонча, учинчиси — қадаҳ. Шу уччаласини қўлимга олмадим.

* * *

Зинҳор-базинҳор бировни қарғашга одатланма. Худога хуш келмас экан. Оллоҳ таоло: «Мен яратган бандани қарғашга сани нима ҳаққинг бор. Яхши-ёмон қилмишини ўзим кўриб турибман-ку, у қандай жазога лойиқлигини ҳам ўзим биламан», дерекан.

* * *

Бир бола йиғлаб турган эди. Бориб юпатмоқчи бўлдим.

— Ҳа, нима бўлди?

— Онам урди!

— Тўхта, қаёққа кетяпсан?

— Онамга! — деди бола.

Кўрдингларми, урсаям-сўксаям бу дунёда ҳар кимнинг онаси бўлсин экан.

* * *

— Усто бобожон, ўша йиллари яна халқ орасида Лелин иккитайминш: биттаси Лелин эмиш, яна биттаси — Кал Лелин деган гапла юрйти.

— Тўғри, шоиржон, манам эшитганман.

— Кейин билсак, тескариси бўлиб чиқти. Кал Лелин деганимиз ойнакли, серсоч бўлиб, Лелин бобонинг ўзлари (атрофга қараб олиб) калроқ эканла.

* * *

Буқанинг ипи узун бўлса, девор тешади.

* * *

— Камандирофкага нима иш билан келдинг, Неъмат?

— Шофирконда уч хотинли бир киши бор эмиш. Шу ҳақда фельетон ёзиш керак экан.

— Ёзма! Нима қиласан у шўрликни яна шарманда қилиб? Худо ўзи жазосини бериб қўйибди-ку! Ўйлаёпсанми, уч хотиннинг ғиш-ғишасини...



Журналнинг нишона сони жонажон Ватанимиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишланди

Саид АҲМАД

ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ

Инсон танасида беҳисоб асаб толалари мавжуд. Уларнинг ҳар бири муҳим вазифани бажаради. Мабодо, биронтаси лат еса борми, одам ё кўр, ё кар бўлади, ё тилдан қолади. Ё...

Тафаккур инсон боласига насиб этган илоҳий неъматдир. Бошқа бирор жонзод Оллоҳнинг бундай иноятига мушарраф бўлган эмас. Дейдиларки, агар мия қон томирига шикаст етса, идрок сусаяди, одам лоқайд бўлиб, қувончни ғамдан, яхшини ёмондан ажратолмай қолади. У фикрлаш, ўйлаш қобилиятини йўқотиб, бу дунёга фақат емак-ичмак учун келган махлуқдан фарқи қолмайди.

Худо бандасини йўлдан ураман деса аввал ақлдан айиради, дейдилар. Ҳақ гап. Инсон фикр қилишдан тўхтадими, у ё телбага, ё манқуртга айланади, қуллик кишанига қўл-оёғини ўзи тутиб беришдан ҳам қайтмайди.

Мустабид тузум энг аввал инсоннинг тафаккур томирига тиғ уради. Шунда у ўз-ўзидан итоаткор қўлга кўнади.

Қадимда бир гуноҳкор қирқ таёқ ейишга ҳукм қилинганини эшитгач, ўзини қалтаклаб чиққан экан. Қалтак зарбидан безовта бўлган одамлар нега ўзингни ўзинг уряпсан, деб сўраса, у бамайлихотир танамни эртанги жазога ўргатяпман, деб жавоб қилибди. Кўрдингизми, одам ўзини ўзи жазога тайёрлаган. Чунки унда исён руҳи йўқ.

Америкалик адиба Бичер Стоуннинг «Том тоғанинг кулбаси» романида қизиқ лавҳа бор. Бир бой Топси исмли чўри қиз сотиб олади ва унга иш буюра бошлайди. Аммо Топси негадир айтилган ишни бажармайди. Хўжайин сабабини сўраса, у олдин мени уринг, мен қалтак еб иш қилишга ўрганганман, деб жавоб беради.

Ўзимизда ҳам шунга ўхшаш ривоятлар йўқ эмас. Бир йигитнинг Жамилахон деган хотини бор экан. Эри ҳар куни ишдан қайтгач, уни қалтаклайди. Бир гал у ҳадеганда келавермабди. Хотин бечора йўлакда зир юғуриб жаврай бошлабди, интиқ-интизорликдан хуноб бўлибди. Қўшни хотинлар нега безовта бўляпсиз, деб сўраса, эрим ўлгур келмади, уradим. У узоқ ўйланиб турди-да, кўкрак чўнтагидан ғижимланиб кетган қоғозни олиб кўз ташлади ва исмим Панкрат, деб жавоб берди. Билдимки, қуллик, эрксизлик уни аллақачон хотирадан, фикрлашдан маҳрум қилган. Демак, тафаккур томирига тиғ теккан. Демак, у манқурт эди.

Салкам юз эллик йил оқ ва қизил империя асоратида яшадик. Аммо бу иккала империя ҳам тафаккуримизни сўндиролмади. Чунки биз буюк мутафаккирлар — Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Ҳожа Аҳрор валий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраб авлодимиз. Биз — тафаккур дарахтининг тотли меваларини асрлар оша татиб келган халқмиз. Оғир дамларда ҳам тафаккур ҳужайраларимизда пинҳона яшаган. Наслдан-наслга ўтиб келган.

Биз бугунги истиқлол тантаналарини бундан эллик-олтмиш йил аввал тафаккур кўзи ила кўра олган закий аждодларимиз билан фахрланамиз. Улар бекордан-бекор бошини дорга, қўл-оёғини дорга, кишанга, кўксини ўққа тутиб бермади. Тафаккур кўзи билан озод келажакни кўриб, шунинг учун курашган зотлар улар. Чўлпон отилаётганида бугунги ҳур кунларни тасаввурида кўриб турмаганмикан?

Истиқлол — буюк неъмат. Атиги уч йилдирки, шу неъматдан баҳраманд бўлиб яшаяпмиз. Аммо шу уч йил ҳам қаддимизни тоғ қадар кўтарди. Шу уч йилда бизни жаҳон таниди. Танидигина эмас, тан олди.

Мустақил Ўзбекистоннинг тўнғич Президенти Ислом Каримов ҳар гал минбарга чиқар экан, албатта Ўзбекистоннинг эртаси порлоқ бўлишини гапиради. Шукрлар бўлсинки, у киши айтган гапларнинг бари бирин-кетин рўёбга чиқяпти. Насиб этса, буюк келажак қасрига ҳам қадам қўямиз.

Бугунги истиқлолни аввал тафаккур яратди, тафаккурга таянган давлат эса завол билмагай!

Хуршид ДАВРОН

ТАФАККУР ДАЪВАТИ

Алпомишин ўлим уйқусига солган жамият қандай жамият эди! Америка адибаси Эйн Рэнднинг «Давлат табиати» номли фалсафий бадиасидаги ушбу сўзлар бунга муносиб жавоб бўла олади: «Инсонни фикрсиз қулга айлантирган ёки унинг меҳнати самарасини тортиб оладиган, эркин тафаккур қилишдан маҳрум этадиган ёки ақлга зид ҳаракатларга ундайдиган жамият, мавжуд қонунлари билан инсоннинг табиий талаб-эҳтиёжлари ўртасида қарама-қаршилик келтириб чиқарадиган жамият аслида жамият деб аталишга ҳам арзимайди. У — жиноятчилар тўдаси ёки оломондир. Барча инсоний қадриятларни нес-нобуд этадиган бундай жамият фаолиятини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Бундай жамият фаровонлик манбаи эмас, балки инсон ҳаётига хавф солувчи офатдир. Шу сабабдан ҳам Совет Иттифоқида ёки фашистлар Германиясидек мамлакатда яшашдан кўра кимсасиз оролда истиқомат қилмоқ инсон учун минг карра хавфсизроқдир».

Бугун биз истиқлол туфайли тафаккур жамиятини қурмоқдамиз. Тафаккур — уйғониш экан, биз уйғонган Алпомишлар жамиятини барпо этмоқдамиз. Инсоният тарихи аслида тафаккур тарихидир. Демак, бу — инсон озодлиги учун кураш тарихи ҳамдир. Тараққиётни истаган жамият ва давлат, даставвал тафаккурнинг эркин ривожланишига шарт-шароит яратади. Бу кўҳна тарихнинг бош сабоғидир.

Мамлакат ёки жамият ўз-ўзидан эркин бўлмайди. Бу энг аввало, инсоннинг вужуд ва фикр озодлиги, истиқлоли демакдир. Оллоҳ-таоло инсонга бахшида этган илк неъмат ҳам озодлик бўлганини унутмайлик. У шундай эркинлик эдики, унинг илк ишонаси онг-идрок ато қилинганидир. Тангри гуноҳ ёки савоб, зулм ёки мурувват, жаҳолат ёки маърифат, адолат ёки қабиҳликни фарқламоқни инсоннинг ўзига ҳавола этди. У инсонни гўзалликкка интилишга даъват қилди. Бу гўзаллик — камолотдир; камолот — тафаккур, тафаккур эса озодлик эди!

(«Алпомишнинг уйғониши» бадиасидан).

ЖУМА—КОТИБЛАР КУНИ

Партия фаолларининг кўп йиллик тажрибасига таяниб иш юритаётганлиги боис Бўз туманида ХДП аъзоларининг сафи ёшлар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Туманда ҳар ойнинг дастлабки жумаси котиблар куни, деб белгилаб қўйилган. Шу куни барча бошланғич партия ташкилотларининг котиблари йиғилиб, бирор жамоа хўжалиги ёки бошланғич партия ташкилотига ташриф буюрадилар. Ўша ердаги илғор тажрибалар билан танишадилар. Камчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўриб чиқилади.

Бу гал котиблар тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бўлишди. Улар бошланғич ташкилот котиби Азамат Жўраев, шунингдек, шу ерда ташкил этилган «Маърифат» марказининг иш фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бошланғич ташкилотнинг ХДП аъзолари сафини ўстириш, янгича маросимларни турмушга татбиқ этиш борасидаги ишлари бўйича фикр алмашилди. Котиблар куни ниҳоясида бир гуруҳ ёшларга партия билетлари тантанали суратда топширилди.

Бўз тумани партия кенгаши нуфузли ташкилотга айланиб, унинг сафи ёшлар ҳисобига мустаҳкамланмоқда.

Ҳ. РУСТАМОВ,
Андижон вилояти.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Данғара туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XI пленумининг «Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари» тўғрисидаги қарорини ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон ХДП Данғара туман кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Х. Қурбонова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод қилинди. Шу туман кенгашининг иккинчи котиби вазифасида ишлаётган Ж. Раҳмонов туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов сўзга чиқди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Душанба, 12

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Гулғунчалар". Болалар учун концерт.
18.30 Футбол шарҳи.
18.40 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
19.10 "Шеърий дақиқалар". Жамол Камол.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Анъаналар этади давом..." Мусиқий дастур.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм премьераси. I-қисм.
23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.25 — 00.25 "Саодат" студияси намойиш этади. "Қақнус".

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 "Самарали изланишлар".
20.25 "Маънавият бўстони".
21.25 "Устозлар". Акбарали Холов.
21.45 "Ўзбекистон байрам оғушида".
22.15 "Ҳафтанома".
22.45 — 24.00 "Четга оғиш ноль". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
18.00 — 19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*
19.30 "Мультикарусель".
*
19.40 — 20.40 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*

"ОМАД" таништиради:

20.40 "Совға".
21.10 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.25 Эълонлар.
21.30 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.35 — 00.05 Александр Кузьмин куйлайди.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 А. И. Солженицин билан учрашув.
20.50 "Спорт уик-энди".
21.05 "Останкино"да театр мавсумининг очилиши. "Театр+ ТВ".
21.55 Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда.
22.35 — 23.05 "Янги обивателлар".

Сешанба, 13

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш дастури.
*
8.30 "Лалварлик овчи". Бадиий фильм.
9.40 "Таоматни асранг!" Кинодастур.
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 "Фан ва ишлаб чиқариш".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 "Қафолат".
12.30 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
13.00 — 14.30 Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 1-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Улғайиш поғоналари".
18.40 "Ёшлик" студияси. "Армонли дунё".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Шаҳар бедарвоза эмас...".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм премьераси. 2-қисм.
22.25 "Шум бола" чойхонаси.
23.45 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Мультфейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
21.00 "Видеогид".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
18.00 — 19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*
19.30 Мультикарусель".
*

"Тошкент" студияси таништиради:

19.40 "Эсдалик учун дастхат".
20.10 "Менинг кўчам".
20.25 "Ҳар соҳадан бир шингил".
20.40 "Антенна".
21.40 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
22.25 — 22.55 "Ялла": кеча, бугун ва ҳамиша...".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Гол".
21.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. "Ротор" (Волгоград) — "Нант" (Франция). 2-тайм. Волгограддан олиб кўрсатилади.
21.50 "Илк манбадан".
22.00 "Қўзиқорин ови". Илмий-оммабоп фильм.
22.20 — 23.05 "Олтин шлягер".

Чоршанба, 14

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Тириклайин қўлга олинсин". Бадиий фильм.
9.55 "Козим Қаюмов куйлайди". Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 "Тараққиёт".
11.30 Лотин алифбоси.
12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
12.15 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
13.05 — 14.30 Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 2-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Доно бобо даврасида".
18.40 "Солик".
19.00 Абдулла Қодирий мукофотига номзодлар. Мусаввир Лутфулла Абдуллаев.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ватандин яхши ер бўлмас..."
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм премьераси. 3-қисм.
22.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "Анор" телевизион танлови.
23.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Темирйўлчи".
00.35 — 01.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 "Иқтисодий мустақиллик йўлидан".
20.20 "Бизнес мактаби".
20.35 "Тошкент: шаҳар юмушлари".
21.35 "Шоҳсупа сари". Спорт кўрсатуви.
21.55 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинодастур.
22.40 — 23.55 "Жадвалдан ташқари поезд". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
18.00 — 19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*
19.30 "Мультикарусель".



*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 — 21.30 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

21.30 "Интерпартнёр". Болгария.
21.55 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
22.10 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
22.45 "Қалбим кўри".
23.10 "Шоу давом этмоғи керак".
23.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
00.05 — 00.50 "Эстрада юлдузлари". Дайер Стрейтс.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 —8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Кинопанорама".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Сўнгги таъзим". Иннокентий Смоктуновский.
21.10 Сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионати. Синхрон сузиш. Сузиш. Италиядан кўрсатилади.
21.55 "Мен сизга қўшиқ куйлаб бераман". "Осколь лираси" фестивали.
22.20 — 22.40 "Мусаввир Жигальцевнинг ёғоч одамчалари". Телефильм.

Пайшанба, 15

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Париларнинг кузги совғаси". Бадиий фильм.
9.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.00 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 "Қора дори" операцияси.
11.40 Ўзбек тилини ўрганамиз.
12.10 Ўзбек куйларидан концерт.
12.45 "Ҳаёт гулшани".
13.25 — 14.45 Феруз таваллудининг 150 йиллиги олдидан. Комил Аваз. "Сақили наво". Видеофильм. 3-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Гулғунчалар". Болалар учун концерт.
18.30 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз".
19.00 "Биз танлаган йўл".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.00 "Дилкаш фарзона...". Алижон Эркаев куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мен буюк юрт ўғлидурман". Адабий композиция.
22.00 "Санъатимиз даргалари". Ҳалима Носирова.
22.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Сўғдиёна" — "Нефтчи".
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Омад" тақвими.
20.00 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
20.50 Видео янгиликлари.
21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
18.00 — 19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*
19.30 "Мультикарусель".
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*

"Тошкент" студияси таништиради:

20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Антенна".
21.30 "Менинг кўчам".
21.45 "Кичик дебют".
22.05 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
23.20 — 23.50 Япон куйларидан концерт.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Эксклюзив".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.50 — 22.55 А. Сорди "Мен ва Катерина" бадиий фильмида. I ва 2-сериялар (Италия).

Жума, 16

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Оқ йўл, "Зангори қушча". Бадиий фильм.
9.45 "Ер ости бойликлари". Телефильм.
10.10 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 "Ёшлик" студияси. "Эзоз".
11.40 Немис тили.
12.00 Чолғу куйларидан концерт.
12.30 "Фармон ва ижро". Вилоятлар телекўприги.
13.30 — 15.00 "Таклифнома". "Кичкинтой" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Болалар учун. "Камолат сари".
18.45 Абдулла Қодирий мукофотига номзодлар. Ўзбекистон телевидениесининг "Бобур", "Кеча ва кундуз" видеофильмлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Пахтазорга оқшом қўнганда".
22.30 "Биринчи қалдирғоч". Бадиий фильм.
23.45 Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отаҳонов куйлайди.
01.00 — 01.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 "Халқ саломатлиги йўлида".
20.50 Камер оркестри тақлиф этади.
21.20 "Йўлингиз бехатар бўлсин!".
21.50 "Кайфият".
22.30 — 23.55 "Савоя"нинг ўғирланиши". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
18.00 — 19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*
19.30 "Мультикарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*

"ОМАД" таништиради:

20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.55 "Суперспорт".
21.40 Эълонлар.
21.45 "Даракчи".
21.55 "Салом, ешлар!".
22.25 Эълонлар.
22.30 — 00.15 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Бу ерда мен ўз дардим билан яшамоқдаман...".
18.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
20.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 2-серия.
21.55 — 22.45 "Взгляд"А. Любимов билан.

Шанба, 17

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Ҳуда-беҳуда гаплар". Бадиий фильм.
9.40 "Жонли тил".
10.30 "Ёшлик" студияси. "Ойдин орзулар".
11.10 "Адабиётимиз фидойиси". Кибриё Қаҳҳорова.
11.50 "Ҳужжатли экран". Кинодастур.
12.30 "Қўшиқ рақсга уланса".
13.00 "Тараддуд". Осиё ўйинлари олдидан.
13.20 — 16.10 "Синов даври". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!".
18.50 "Донишманд": Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига.
19.20 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ёшлик" студияси. "Ҳаёлпарастлар".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мусиқа жавони".
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
13.00 "Омад" тақвими.
13.10 "Жозиба".
13.30 "Бир шингил ҳангома".
13.40 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
14.00 Видео янгиликлари.
14.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
15.10 "Кинонигоҳ".
***
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради:

19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Менинг кўчам".
21.40 "Ҳар тўғрида".
21.55 "Антенна".
22.25 "Кинематограф".
23.55 "Хотима".

ЎзТВ III
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

10.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
10.25 "Дунё эшиги". Бразилия.
11.05 Чет эл эстрадаси концерти.
11.35 "Мўъжиза яратган қўллар".
12.05 Немис тилида кўрсатув.
12.45 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
13.00 — 13.20 "Телеоператор нигоҳида". Нью-Йорк.
***

18.00 — 19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*
19.30 "Мультикарусель".
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар
20.05 "Жаҳон ва биз". Халқаро тинчлик кунига.
20.50 "Тиббиёт ҳамма учун".
21.20 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
21.35 "Умид" (уйғур тилида).
22.05 "Бу ажиб дунё".
22.25 "Ташрифлар ва таклифлар".
22.45 — 23.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.40 "Ўшангача ва ундан сўнг".
18.30 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Линдберг боласининг ўғирланиши ҳақида тергов". Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Линдберг боласининг ўғирланиши ҳақида тергов". Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.40 "Барча юлдузлар" кабареси.
22.25 — 23.00 "Магик-шоу".

Якшанба, 18

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 84 — 85-сериялар.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Зарблар сеҳри". Аббос Қосимов.
11.05 Болалар учун. "Умид учқунлари".
11.45 "Яшил бойлигимиз". Ўрмон хўжалиги ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
12.45 "Ёшлик" студияси. "Учрашув".
13.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Политотдел" — "Пахтакор".
15.15 — 15.50 "Мерос". Сидқий Хандайлиқий таваллудининг 110 йиллигига.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Ғаройиб ҳодиса", "Жасур чўпон бола". Мультфильмлар.
18.20 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?".
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Оламга саёҳат".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 "Дилдаги гаплар". Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева.
22.30 "Театр учрашувлари".
23.40 "Ҳафтанома".
00.10 — 01.15 "Кўза", "Алаверди". Қисқа метражли бадиий фильмлар.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 "Суперспорт".
18.20 Эълонлар.
18.30 Видео — "О".
20.10 Эълонлар.
20.20 "Курьер".
20.30 "Рок ҳақида".
21.00 "Суперспорт".
21.30 "Даракчи".
21.40 "Юлдуз".
22.10 Эълонлар.
22.20 Видео — "О".

ЎзТВ III
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

10.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
10.25 "Дунё эшиги". Бразилия.
11.05 Чет эл эстрадаси концерти.
11.35 "Мўъжиза яратган қўллар".
12.05 Немис тилида кўрсатув.
12.45 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
13.00 — 13.20 "Телеоператор нигоҳида". Нью-Йорк.
***

18.00 — 19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*
19.30 — 20.30 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Дунё эшиги". Бразилия.
21.35 Чет эл эстрадаси концерти.
22.05 "Ҳафтанома".
22.35 "Мўъжиза яратган қўллар".
23.05 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
23.20 "Парижга қайтиш".
24.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
00.15 "Озгина-ю созгина".
00.25 — 00.45 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.35 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
18.30 "Воронеж қизлари" куйлайди.
18.50 "Бомонд".
19.10 Бурвиль "Катта кир ювиш" бадиий фильмида (Франция, 1970 й.).
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.55 — 22.45 "Фестиваллар намойиши". Венеция.

UAT

"ЎЗБЕКАВТОСАЙЁҲ"
РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ФИРМАСИ

чет элларга (автобус ва тайёра), Москвага (поезд), Томск, Новокузнецк, Кемерово (турпоезд) шоптурларни, бизнесменлар учун Алмати ва Хоргосга, Кисловодскга (Кав- каз соғломлаштириш маскани) соғломлаштириш саёҳатларини, Қрим ва Зоминда дам олиш учун арзон ва қиммат саёҳатларни таклиф этади ва амалга оширади, шу билан бирга фирма яна бир янгилик - **"Ўрта Осиёнинг муқаддас жойлари бўйлаб"** 3 кунлик саёҳатни таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар: 56-77-91
56-34-61
55-89-06
факс: 55-95-51

Манзилгоҳимиз:
Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 16 (метронинг "Космонавтлар" бекати).

HUMO

"ХУМО" ХАЛҚ АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1994 йил 17 сентябрда соат 13 да республика қўғирчоқлар театри биносида "Хумо" ХАСК акционерларнинг умумий мажлиси ўтказилади.(акционерлар паспорт ва опцион шартномасига эга бўлишлари керак).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Космонавтлар шоҳ кўчаси, 1-уй.

ТАШКИЛОТ

кабель-сим маҳсулотларини сотади, ишлатилган барабанни харид этади. Ҳақ тўлаш исталган шаклда, мавоза ҳам мумкин.

Телефонлар: *72-55-12*
72-54-95

Музлатгич, телевизор, видеомагнитафон, *"Чайка"*, *"Веритас"*, *"Подольск"* тикув машиналарини сотаман.

Телефон: *74-95-15.*

HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIP PROGRAM FOR 1995–1996 ACADEMIC YEAR

The embassy of the United States of America (usis Tashkent) announces the Hubert Humphrey fellowship program for the 1995-1996 academic year.

Winners of the Hubert Humphrey fellowships will travel to the United States for a year of academic and professional work.

Humphrey fellowship applicants should be mid-career professionals in leadership positions who have the required experience/skills and who possess potential for advancement in there professions.

Fellows should be polisy - rather tnan research- or technically- oriented, with a minimum professional experience of five years.

Participants from all regions of the country and well-qualified female candidates are welcome to apply.

Fellowships are granted competitively to public- and private-sector candidates with a commitment to public service in the fields of:

agricultural development;
educational planning;
public health policy/management;
public administration;
economic development;
finance and banking;
communication/journalism;
natural resources/environment;
human resource management;
technology policy;
urban and regional planning;
drug abuse research.

Applicants are asked to complete a copy of the form available at American embassy (Chilanzarskaya ul., 82, 700115 Tashkent, Uzbekistan; tel.: 77-14-07, 77-11-32).

The application form must be returned to the embassy no later than october 14, 1994.

The strong candidates will be invited to english language testing, and at the time of preliminary selection in october 1994 must have a score from the test of english language proficiency (telp) no lower than 500.

Results of the competition will be conveyed to winners by mid-march 1995

КЎЧМАС МУЛК - БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!

Унинг соҳиби бўлай десангиз, Хоразм вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси 16 сентябрда ўтказадиган кўчмас мулк бўйича ким ошди савдосига марҳамат!

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

"НАВРЎЗ" ЧОЙХОНАСИ

Урганчдаги оромгоҳда жойлашган. 1990 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.
Бошланғич баҳоси - **100 минг сўм.**

"ЛОТОС" ЧОЙХОНАСИ

Урганч туманида жойлашган. Бир қаватли.1990 йилда хом ғишт ва монолит темир бетондан қурилган.
Бошланғич баҳоси - **150 минг сўм.**

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТ

Урганч шаҳридаги Хонқа кўчасида жойлашган.
Бошланғич баҳоси - **100 минг сўм.**

ҲАММОМ

"Хива" жамоа хўжалигида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан усти темир бетон қопламали иншоот.
Бошланғич баҳоси - **120 минг сўм.**

ҲАММОМ

Хива туманида "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси - **110 минг сўм.**

ҲАММОМ

Хива туманида "Оғаҳий" жамоа хўжалигида бир қаватли бино. Пишиқ ғиштдан қурилган,усти темир бетон қопламадан иборат. Қозонхонаси бор.
Бошланғич баҳоси - **70 минг сўм.**

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН МАЪМУРИЙ БИНО

Хива шаҳрида жойланган.
Бошланғич баҳоси - 2 миллион 500 минг сўм

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ТЕМИР БЕТОНЛИ БИНО

Ҳазорасп туманн марказида жойлашган. Эгаллаган майдони 6000 кв. м.
Бошланғич баҳоси - 165 минг сўм.

"ХОНҚА" МЕҲМОНХОНАСИ

Силикат ғиштдан қурилган,усти темир бетон қопламадан иборат, икки қаватли бино.
Бошланғич баҳоси - **120 минг сўм.**

ҲАММОМ

Хонқа туманида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган икки қаватли бино.
Бошланғич баҳоси - **90 минг сўм.**

МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ

"Ғалаба" жамоа хўжалигида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган бир қаватли бино. Канализация тизими марказлашган.
Бошланғич баҳоси - **20 минг сўм.**

МЕҲМОНХОНА

Боғот тумани марказида жойлашган. 53 ўринга мўлжалланган икки қаватли бино.
Бошланғич баҳоси -**100 минг сўм.**

ТРАКТОР

1994 йилда "Ташсельмаш"да ишлаб чиқарилган.
Бошланғич баҳоси -**50 минг сўм.**

ҲАММОМ

Гурлан туманидаги "Вазир" жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси -**30 минг сўм.**

ҲАММОМ

Гурлан туманидаги "Деҳқонобод" жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси - **35 минг сўм.**

ҲАММОМ

Гурлан туманидаги "Зарбдор" жамоа хўжалигида жойлашган.
Бошланғич баҳоси - **4 минг сўм.**

Маълумотлар олиш учун телефонлар: (36222) 6-32-63, 6-81-66. (3712) 68-17-55, 68-44-56.

Соат 24.00
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Андижон вилоятининг Ўш ДАН постида милиция ходимлари давлат белгиси Д 82-70 АН «ЗИЛ 130» рақамли автомашинани тўхтатишганда, ҳеч қандай ҳужжатсиз 8 тонна тарвуз республикадан ташқарига олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

Шу вилоятнинг Қорасув ДАН пости ходимлари ҳам ўшлик Б. Йўлдошев бошқарувидаги худди шундай рақамли автомашинада 4 тонна пиёз расмийлаштирилмасдан ортилгани учун уни давлат ихтиёрига ўтказиб юбордилар.

Хонобод ДАН пости ходимлари эса Андижон—Жалолобод йўналиши бўйича кетаётган автобусни тўхтатиб текширишганда автобусдаги йўловчи жалолободлик Тўхтагулованинг 195 кило чойни олиб кетаётганлигини аниқладилар.

Бу борада Тошкент вилояти Давлат автомобил назорати ходимлари ҳам бир қанча «учар қушлар»ни ўз тўрларида тутиб қолишмоқда.

Қибрай туманидаги ДАН постида Қозоғистон Республикасида яшовчи Б. Саидов ўзига бириктирилган КаМАЗ-5320-рақамли машинада 2 тонна олмани ноқонуний равишда олиб кетаётганда қўлга олинди.

Бўка туманидаги ДАН постида эса шу ерлик А. Юнусовнинг «КаМАЗ»и тўхтатилганда эса ундаги 8 тонна қовун ўзининг пулдор харидорларини қидириб кетаётганлиги маълум бўлди. Шу боис бу қовунлар камроқ бўлса-да, аммо баракали пул берадиган юртимиз аҳолисига ризқ сифатида орқага қайтарилди.

Давлат автомобиль назорати ходимлари четга нафақат катта машиналарда, балки кичкина машиналарда бўлса-да энг зарур истеъмол молларини олиб кетишга уринаётган ноинсоф кимсалар йўлини тўсишмоқда. Яқинда Фарғона шаҳридаги ДАН постларидан бирида ўзига тегишли «Москвич» автомашинасида 130 килограмм пахта ёғини Қирғизистонга олиб кетишга уринган киши ушланди. Шунингдек, мўмай пул дардини дилига туккан учта учар йигит ўзаро тил бириктириб 155 литр пахта ёғини республикадан ташқарига поездда олиб кетмоқчи бўлаётганда қўлга тушди.

Фарғона вилояти Қува тумани ички ишлар ходимлари ўз «КаМАЗ»ида республикадан ташқарига 5 тонна бензинни олиб кетмоқчи бўлаётган кишини ушладилар.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганлари шу бўлса керак-да.

Бухоро темир йўл бекатида милиция ходимлари диққатини тортган йигит текшириб кўрилди. 21 ёшли Красовскийнинг ҳамма ҳужжатлари жойида экан-у аммо сумкаси анча оғир эди. Унинг ичидан 10 дона портловчи пакет, 16 дона сигнал берувчи ракета ва 15 дона электр детонатор топилгач, милиция ходимлари оғир сумка ва унинг эпчил эгасини олиб кетишга мажбур бўлдилар.

Янгийўл шаҳри милиция ходимлари ҳам бир шубҳали йигитнинг - сумкасини текшириб кўришди. Унинг ичидан оз эмас, кўп эмас, роппа-роса бир кило наша чиқди!

Қорақалпоғистондан олинган навбатдаги хабарда айтилишича, урганчлик Машарипов ва тахтакўпирлик Сайдуллаевлар тўрт ярим тонна ўсимлик ёғининг фойдасини бирга тотиш учун чет ўлкаларга отланганлар. Қозоғистон қайдасан, дея йўлга тушган бу ҳамтовоқлар Қорақалпоғистондан чиқмасданоқ қўлга тушдилар.

Дўстлик тумани ички ишлар ходимлари «Ҳосил-94» махсус тадбири ўтказилаётган маҳалда «Оқ олтин» давлат хўжалигида яшовчи Раҳимовнинг уйида салкам бир тонна арпанинг ҳужжатсиз сақлаётганлигини аниқладилар.

Андижон шаҳар ички ишлар ходимлари эса ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси омбор мудирининг янги омбори борлигини кашф этишди. Шу билан бирга мудир омборда 20 минг 283 метр читни сақлаётган экан. Қалбаки ҳужжатлар билан бу ерга ўғирлаб келтирган шахс иши юзасидан тергов ишлари давом этяпти.

Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги Ғиштқўприк давлат назорати постида «ЗИЛ—130» рақамли давлат белгиси 02—96 ТШС автомашинаси тўхтатилганда 4 тонна бақлажон, 4 тонна помидор, 1 тонна нок ноқонуний равишда Қозоғистонга олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Шаҳар бедарвоза эмаслигини унутиб қўйганларнинг ҳоли шу!

Ш. РЎЗИЕВ,
милиция лейтенанти.

АДОЛАТ УСТИВОРЛИГИ УЧУН

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси «Яхлит» мавзуси остида жиноятларнинг олдини олиш ва тезкорлик билан очиш ҳамда бартараф этиш тадбирларини амалга ошириш юзасидан сафарбарлик эълон қилди.

«Яхлит» ҳаракатининг мақсади вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида жиноят содир этишга мойил шахсларни сезгирлик билан аниқлаш, ҳисобда турганлар билан тегишли тарбиявий ишларни ўтказиш, ҳамма жойда жамоатчилик кучига таяниб жиноятчиликнинг олдини олишдан иборат. Ушбу тадбирга ички ишлар идораларининг барча хизмати ходимлари, юздан ортиқ транспорт воситалари сафарбар қилинди. Натижада пинхона жиноятларнинг 75 фоизи «иссиғи» ўчмай ошкор этилди. Аввал содир этилган ж

Шатранж оламида

ЁШЛАРГА УМИД БОҒЛАГАНМИЗ

Шахмат ўйини фасл танламаслиги ҳаммага аён. Лекин йирик мусобақаларнинг аксарияти кўпинча ёз ойларига тўғри келади. Бу йилги мавсум мустақил республикамизнинг етакчи шахматчилари учун серҳосил бўлди.

Июнь ойида Малайзияда ўтказилган Осиё қизлар биринчилигида асли наманганлик, айни чоғда Тошкентда таҳсил кўраётган, спорт усталигига номзод Анжела Хегай фахрли тўртинчи ўринни эгаллади. Август ойининг бошларида Венгрияда бўлиб ўтган турли ёшдаги ўсмир ва қизлар мусобақалари айниқса, тошкентлик мактаб ўқувчиси Рустам Қосимжонов учун муваффақиятли бўлди. У 16 ёшгача бўлган ўсмирлар биринчилигида совринли 3-ўринга кўтарилди. 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги мусобақада спорт устаси Марат Жумаев, қизлар мусобақасида қатнашган Евгений Прокопенко, Ольга Горшкова, Алишер Ҳамроқулов жадвалнинг ўрталаридан жой олишди. Мазкур мусобақалар Жаҳон биринчилиги учун ўтганлиги назарда тутилса, бу натижалардан қониқсак арзийди.

Орадан кўп ўтмай Форс кўрфазида жойлашган орол мамлакат — Катарда ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчилигида мўлжалдаги марра забт этилди. Венгриядаги жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга киритган Рустам Қосимжонов бу гал олтин медаль соҳиби бўлди. У финал учрашувларида 7 имкониятдан 5 очкони қўлга киритиб, барча рақиблардан ўзиб кетди. Бундай натижага вакилларимизнинг биринчи бор эришиши.

Рустам маҳорати йил сайин эмас, ой сайин, балки кун сасайин ошаётган умидли шахматчи. Унинг яқин йиллар орасида гроссмейстерлик даражасига кўтарилиши бинобарин, жаҳон ва қитъа биринчиликларида ўзини кўрсатишига кўпчилик умид боғламоқда.

Шу ерда ўтказилган яна бир мусобақа — 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчилигида самарқандлик Марат Жумаев 4-ўринни эгаллаб, ўтган йилги натижани такрорлади.

Қадимги рус шаҳри Рязанда ўтказилган улкан халқаро турнирда вакилларимиздан Сайидали Йўлдошев билан Сергей Нодирхонов жадвалнинг юқори ўринларини забт этдилар. Новгородда уюштирилган улкан халқаро турнир Ўзбекистон экс-чемпиони халқаро гроссмейстер Валерий Логиновнинг ишонарли ғалабаси билан якунланди. Бош соврин эгаси бу билан рейтинг даражасини 2620 га етказиб, супер-гроссмейстерлар сафига ўтиб олди.

Яна бир хушхабар. Республикамиз экс-чемпиони, халқаро гроссмейстер Александр Ненашев Грециядa бирин-кетин уюштирилган учта халқаро турнирда бош совринларга сазовор бўлди. Гроссмейстер Сергей Загребельний Крим курортларида ўйналган халқаро турнирда иккинчи совриндор бўлиб қайтди...

Бу қисқа баёнлар замирида қанчадан-қанча ижодий партиялар бунёд этилдики, улар бошқаларга сабоқ вазифасини ўтиши муқаррар.

Мамажон МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Шахмат федерациясининг фахрий президенти.

Сайҳон бахшининг овозида кенгликлар, тоғу-тошлар, отлар уюри, подалар шовурини туйғиз. Бу бекорга эмас. Эсини танибдики, дўмбира унинг содиқ ҳабиби. Сайҳон бахши ёшлигида пода ортидан тоғу тошлар кезиб юриб воҳанинг чиройидан кўнгли жўшиб бир қатор термалар яратди. Айниқса, унинг йигитлик чоғида яратган «Отлар уюри», «Подани қайтиши», «Келин фироғи», «Бандихон оқшоми» каби термалари машҳурдир.

Сайҳон бахши мана 27 йилдирки, Бандихон туманидаги Йўлдош Охунбобоев номидаги хўжалиқда меҳнат қилади, 20 йилдирки халқимизга ширин-шакар қовун-тарвуз етиштириб беришда ўз хизматини аямайди.

СУРАТДА: Сайҳон бахши янги басталаган куйларини чалаётир.
И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

• *ХОТИРА*

МАНГУЛИК

Мен ўша кунни жуда кўп ўйлайман. Ўша кунги мотам, минг-минглаб одамларнинг қиёфасидаги ғам-қайғу ҳамон кўз ўнгимда. Ҳаётда изсиз, ном-нишонсиз кетган одамлар жуда кўп. Қисқагина умрида абадиятга даҳлдор ишларни бажарган, келажакка абадул-абад ҳайкал бўлиб қолгувчи бунёдкорликлар қилган кишилар эл эъзозида, одамлар қалбида мангу яшашини ўшанда яна бир бор кўрдим...

...Қинобек ота 81 ёшида оламдан ўтди. У вафот этган кун бутун туманда мотам тутилди. Ўзбекистону Қозоғистондан минг-минглаб одамлар дафн маросимида иштирок этишди, оташин нутқлар сўзланди. Юраклар ларзага келди. Киприкларга илинган ёш тош каби оғир, бир ортиқча қалқиш жуда азиятли эди.

Қинобек Укубоев Мирзачўлда деҳқон оиласида туғилган. Жуда ёшлигидан меҳнат билан ўсди. Отасининг ёнига кириб деҳқончилик сирларини ўрганди. 18 ёшида пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Эл билан тиллашди, ер билан диллашди. У ўзининг бутун тақдирини, келажагини одамлар билан, овулдошлари билан боғлади. Уларнинг ташвишини, қийин ва машаққатли ҳаётини ўз ҳаёти билан муштарак ҳолда ҳис этди. Шунинг учун ҳам ўз даврининг барча мураккабликларига, зиддиятларига қийинчиликларга бардош беришга, келажакка ишонч билан қарашга интилди. Кўпроқ одамларга ёндошгани учун одамлар ҳам унга ёндошди. Натижада бригада ютуқлари кўпайиб, аъзолари ҳаёти яхшилана борди.

1935 йили Қизилобод қишлоқ кенгашига раис этиб тайинланди. Ёш, абжиргина йигит янгиликка ўчлиги, тиришқоқ ва қобилиятлилиги билан тез оради элга танилди. Бироқ, ҳаёт ҳаёт-да. Кимлардир ёш раҳбарга раҳмат айтса, кимлардир чоҳ қазишга, йўлига тўғаноқ бўлишга ҳаракат қиларди. Кунлардан бир куни район партия қўмитаси бюросида ана шундай ғиғвогарлардан бири Укубоев шахсига тегадиган ғаплар билан ҳужум қилиб қолди. Ёш раҳбарнинг кўнгли оғриди, лекин индамади. Мажлисдан чиқибоқ фронтга жўнаш йўлларини излади. Миниб келган отини ва идораси муҳрини ҳамроҳ бўлиб келган котибига бериб юборди-ю, ўзи фронтга жўнади. Бу воқеа 1942 йили содир бўлган эди.

Қинобек 3-Украина фронтида хизмат қилди. Сафдошлари билан бирга Венгрия, Руминия, Югославия ва

Австрия мамлакатларини озод қилишда иштирок этди. Бир неча бор хавфли, ўта мураккаб тўқнашувларда жасорат кўрсатди. Мюнхенга 30 километр қолганда фашизм устидан ғалаба қозонилганлиги ҳақидаги хабарни эшитди. Уруш тугагач, яна бир йил армия сафида қолиб, уруш вайрон этган жойларни тиклаш ишида иштирок этди. Фронтдаги жасоратлари учун Қизил Юлдуз ва бошқа қатор орденлар-медаллар билан тақдирланди.

Урушдан кейинги йиллар нафақат фронт минтақасида, балки чеккачекка мамлакатларда ҳам оғир вазият вужудга келган, қишлоқ хўжалиги, айниқса, деҳқончилик ишдан чиқиб, одамлар турмуши қашшоқлашиб кетган эди. Ёш офицер ўз қишлоғига қайтар экан, уни фронтдагидан қолишмаган жасоратлар кутар эди. Район партия қўмитасига чақиришди. Ўзи туғилиб ўсган Пушкин номли жамоа хўжалиги раислигига тайинлашди. Ҳар томонлама қолоқ, иқтисодий жиҳатдан қашшоқлашиб қолган хўжалик бир йилдаёқ қадини тиклаб олди. Бироқ, йилнинг охирида Қ. Укубоев Мирзачўл район партия қўмитаси котиби, ундан сўнг ижроия қўмитаси раиси лавозимига сайланди. 11 йил мобайнида мазкур туман партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб хизмат қилди.

Қинобек ота «қурган қураверади, турган тураверади» деган гапни тез-тез такрорлар эди. У бу хулосага ўз тажрибасидан, ҳаёт йўлидан келиб чиққан.

Асрлар мобайнида қақраб ётган Мирзачўлда битта ниҳол ўтқазиш қанчалик машаққат эканлигини англаш унчалик қийин иш эмас. Бироқ, бутун-бутун шаҳарчалар, ҳамма қулайликларга эга бўлган турар жой мавзелари бунёд этиш бир кишидан қанчалик куч-қувват, ақл-идрок талаб этишини тасаввур қилинг. Туманда эллигинчи—олтмишинчи йилларда оддий тиббиёт пунктларидан тортиб, амбулаториялар, хотин-қизлар консультацияси, туғуруқхона, касалхона ва бошқа даволаш масканлари, хиёбонлар ва истироҳат боғлари бунёд этилди. Буларнинг бари Қинобек отанинг катта ташаббускорлиги, уддабуронлиги туфайли амалга оширилди. Ота қурдирган қатор-қатор дўконлардан тортиб, ҳаммом, сартарошхонаю этикдўзлик устахоналаригача бугун эл хизматида.

Давлат маблағ берса қурамиз, давлат пулини берса ишлаймиз, қабилида иш юритадиганлар анча-мунча. Бироқ, вазиятдан келиб чиқиб, имкониятлардан тўғри фойдаланадиган раҳбар очиғини айтсак ҳозир ҳам кам. Ҳашар халқимизнинг энг синалган, одамларни бир-бирига меҳрибон қиладиган, бир-бирининг оғирини енгил қиладиган қутлуғ анъана. Қинобек халқимизнинг ана шу бой фазилатидан унумли фойдаланди. 1949—50 йилларда 50 километрлик Шўрўзак эговурини, Киров номли каналнинг сув оқими секинлашган 60 километрлик қисмини ҳашар йўли билан қазишди. 1948 йили эрта баҳорда Қинобек 3 минг кишини ўзига эргаштириб икки йил мобайнида қурилмай келинган «Красная Заря» йўлини 6 кунда қуриб битказдирди. Йўлнинг икки четидан ариқ чиқартириб, 10 минг туп мевали ва манзарали дарахт эктирди. Ана шунда Қинобекнинг раҳбарлик қобилияти, одамлар билан тиллаша олиш истеъдоди яққол кўзга ташланди.

Туманда ҳар бир хўжалик қошида 60—70 гектарлик боғлар, токзорлар ташкил этишга киришилди. Мамлакатимизнинг машҳур боғбонлари, Меҳнат Қаҳрамонлари Маҳмуд Мирзаев ва Ризамат ота Мусамуҳамедовларни Қинобек ота атайлаб Мирзачўлга таклиф этди. Ана шу ернинг тупроғига ва иқлимига мос келадиган кўчатлар келтиришга ва уларни энг замонавий усулда ўстиришга ёрдам беришларини сўради.

Қ. Укубоев 1962 йилдан бошлаб кўриқда ташкил этилган биринчи хўжаликлардан бирини бошқаришга ўтди. Уни 14 йил мобайнида мамлакатимизнинг энг йирик пахтачилик хўжалигига айлантирди. Мазкур хўжалик чўлқуварларнинг улкан тажриба майдонига айланди. Қинобек ота эса ўзининг раҳбарлик ва деҳқончилик мактабини яратди. Ҳозир Мирзачўлда ишлаётган жуда кўп хўжалик раҳбарлари ана шу мактаб дарсини кўрган, ота таълимини олган кишилардир.

Қинобек Укубоев ҳамма вақт ўзини одамлар билан ҳамнафас ҳис қиларди. Одамлар ташвишида юришдан завқланарди. Шунинг учун ҳам у қарилик пенсиясига чиққанига қарамай 1975 йилдан умрининг охиригача Сардоба қишлоқ кенгашининг раиси вазифасида ишлади. Қишлоқ кенгаши ҳудудидаги барча каттаюкичикнинг ташвишига шерик, дардига ҳамдард бўлиб яшади.

Қинобек ота эл олдидаги хизматлари учун Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Икки марта Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати, кўп марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзоси этиб сайланди. Олий Кенгаш ҳайъатида фаолият кўрсатди.

Ота мустақилликни бошқалардан кўра кўпроқ қувонч билан кутиб олди. У ёши 80 га бориб қолганига қарамай катта ўзбек трактининг Оқолтин тумани қисмида мустақилликка атаб икки гектарлик боғ яратди. Турли миллат вакиллари, йўловчилар айни пайтда ана шу боғга бир қўниб ўтиб хордиқ чиқаришади. Ажаб эрмаски, отанинг руҳи ана шундай пайтларда яна бир бор шодланади. Мангуликка даҳлдор ишлари барҳаёт эканлигидан баҳра олади.

Дафн маросимида сўзга чиққан Оқолтин тумани ҳокими Н. Қаюмов, Жанубий Қозоғистон вилояти Халқаро Қўнаев жамғармаси раиси Т. Назарбеков, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Т. Қорибоев ва Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари, шоир Ҳ. Ризо оташин нутқ сўзладилар. Қинобек отанинг икки миллат—икки мамлакат дўстлигининг рамзи эканини, унинг бутун ҳаёти, орзу-ўйлари қардошликка беқиёс тимсол эканлигини таъкидлашди.

Ҳамон ўша кунни хотирлайман. Отанинг дафн этиш маросими бутун туман аҳли учун оғир мусибатга айланган эди. Минг-минглаб одамлар қиёфасидаги ғам-қайғу юракларни эзарди. Шунда одамлар ташвишида яшаш, одамлар учун хизмат қилиш, умрингни, куч-қувватингни одамларга бахш этиш қанчалик шарафли эканлигини яна бир бор чуқур ҳис этдим.

Н. БУХОРИЙ.

• *Сиз севган санъаткор*

МУҒАННИЙ

— Неъматжон ака, қўшиқ кўрган санъаткорсиз. Айтингчи, «мўғанний» деган сўзни қандай тушуниш керак?

— Бу сўзнинг маъносини узоқ изоҳлаш шарт эмас. Мўғанний — тўлақонли истеъдод соҳиби ҳисобланади. У шеър ёзади, куйга солади, ўзи соз чертиб, ўзи куйлайди. Ғарчи бундай юксак маҳорат эгалари ҳозир кам учраса-да, шеърни, ғазални чуқур тушунадиган, қолаверса, ундаги маънога мос ва хос мусиқа яратадиган созандаларимиз талайгина. Улардан бировни айтсам, иккинчиси қолиб кетиши мумкин.

— Сизга юқоридаги саволни беришимнинг боиси, биламизки, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ғанижон Тошматов каби ўзбекнинг суюкли санъат дарғалари билан бирга кўп бўлгансиз, ишлашгансиз, қолаверса, уларни устоз санайсиз.

— У кишилар ҳақида сўйлаганингиз, иним, кўз ўнгимдан Маъмуржон ака, Жўрахон ҳофиз, Ғанижон акалар бир-бир ўтаяпти. Дунё ганимат экан-да. Энди ўша вақтлар билан бугунги кунни солиштирсангиз, қўшиқчиликнинг, бу санъатнинг ҳурмати, одобида жуда катта тафовут бор-да. Таажжубга тушаяпсиз-а...

— Назаримда, ғаш санъаткорлар ўртасидаги муносабатлар, қолаверса, тўй масалаларига бориб тегадг.

— Шундай... Марғилон томонларда санъаткорларнинг ўзаро йиғинлари мунтазам ўтказиб турилади. Ҳар ойнинг ўнинчи кунида ҳофизлар чойхонага тўпланади. У жойда санъаткорнинг одоби, ўзини қандай тутишидан тортиб, у айтган ашуланинг ғазаллари матнигача муҳокамадан ўтарди. Камчилиги бўлса, бу бутун ҳофизлар учун қусур сифатида қабул қилиниб, бартараф қилинарди. Шундай қоида бўларди: ҳофиз элнинг боласи, ҳам хизматкори. У одамига қараб тўйга бориши керакмас.

Бугунги аҳвол билан солиштирсангиз, фарқини ўзингиз кўриб турибсиз, яхши томонгами, салбийгами...

— Бугун замонавий ўзбек қўшиқчилигида ўсиш бор. Яъни, сон жиҳатдан. Албатта янги истеъдодлар кашф этиляпти, сараланяпти. Аммо миллий мусиқа санъатимизда сифат жиҳатидан ўсиш борми? Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танловининг ҳар бир чиқишидан сўнг ана шу саволга баногоҳ жавоб излайди киши. Баъзи ёш қўшиқчиларнинг ўзига хос йўналиш топганидан хурсанд бўласиз, баъзан эса оҳангларнинг ўғрилангани, қолаверса, мазмунан жуда саёз қўшиқларни тинглаб хафа бўлади киши: хўш, булар Неъматжон ака айтгандек, ўзбек санъатига иснод келтирадиган кўринишлар дея баҳоланиши керакмасми? Биз эса ўйламай-нетмай уни телевиденеда намойиш этамиз. Кимдир бу масалалар билан шуғулланиши лозим-ку.

— Халққа телевиденеда учтўрт кўринсангиз, кўз танишсиз— дейди ҳофиз. Аммо элнинг қалбига йўл топиш осон иш эмас.

Мен бир хонандани кузатаман. Энди унинг исми шарифини айтиб юрмай. Қўшиғи шундай бошланади:

Ёримнинг сочи майда,
майда-ё майда
Майда соч ёрим қайда,
қайда-ё, қайда

Оҳанги кимгадир ёқар, аммо...

зални эшитувчи, яъни томошабинга етказиши лозим бўлган бир эл хизматкори. У ўзи ана шу йўлни танлаган, насибасини ҳам, омадини ҳам ана шу хизматидан истаган бир инсондир. Ҳеч бир хонанда шу нарсани унутмаслиги керак. Унутса ё тан олмаса бу касбнинг нони ҳалол бўлмайди.

Неъматжон Қулабдуллаев... У кишини ўзбек миллий мусиқа санъатининг бир жонкуяри, бир билимдони деса бўлади. Ҳофиз юз элликдан ортиқ ғазални қўшиқ қилган. Қирқта пластинка чиқарган. 1965 йилда ўзбек санъаткорининг «Индамади» ашуласи бир миллион нусхада Москвада пластинка ҳолида чиқарилди. Ушбу қўшиқни ўша пайтда хиргойи қилмаган, матнини билмаган мухлиси кам эди.

Неъматжон ака 1989—92 йилларда якка ўзи юрт кезди. 1200 чақиримлик масофада жойлашган мактабларда, клублар, жамоат ташкилотларида дилдан суҳбатлар қилди, санъати билан одамларнинг олқишини олди. Концертлари икки-уч соатлаб бўлди. Бундай ижодий учрашувлар санъаткорни бир томони руҳлантирса, иккинчи томони халқига янада яқинлаштирди. Қолаверса, булар ҳаммаси Ватанга, халқига хизмати ҳофизнинг. Бундай ҳокисорона учрашувлар, ҳайрия концертлари одамларда санъатга, санъаткорга муҳаббат ва ҳурматни кучайтиради.

Ўзбекистонда у бормаган вилоят, кирмаган шаҳар, туман деярли қолмаган. Чўлда ҳам, даштда ҳам, қиру тоғда ҳам унинг дутори ва ёқимли овози янграган. Неъматжон акани шинавандалари ўн беш йигирмата қўшиқ айтмасдан саҳнадан чиқармай, олқишлашади.

Унинг қўшиқлари Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон, Қозоғистон республикалари радиофонотекаларининг олтин хазиналаридан ўрин олган. Шинавандалари Англия, Франция, Америка, Германия, Хитой, Финляндия, Бирлашган Араб Амирликлари, Афғонистон ва бошқа қатор давлатларда ҳам кўп. Санъаткор басталаган қўшиқларнинг аксарияти халқнинг мулкига айланган. «Гўзал», «Дилафрўз», «Ёргинамни бир кўрсам», раққосалар сардори Мукаррамахоним Турғунбоевага атаб ёзилган «Раққосан даврон», «Бинафша» куйлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, қорақалпоғистонлик кўпгина санъаткорлар Неъматжон акани устозлари сифатида ижодий ёрдамга чақирганларида катта тажрибаси ва ижрочилик маҳорати билан сидқидилдан ёрдамга шайланади.

Унинг созандалик маҳоратининг ўзи бир дунё. Созанда дутор чалишда ўзига хос мактаб яратди. Бошқа дуторчилар орасида санъаткор чертган дуторнинг овозини ҳали қўшиқ бошланмасдан туриб фаҳмлаб оласиз.— Ҳали чақалоқлигимда дуторни эмган эканман,— дейди ҳофиз. У ҳоҳ мумтоз, ҳоҳ халқ куйларини ижро этадими, дутор бамисоли нола қилиб «гапиради» десак муболаға бўлмайди. Айниқса, телевизион миниатюралар театрининг жозибалари ва қувноқликларини, биз унинг чалган дутор тароналарисиз тасаввур қила олмаймиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъматжон Қулабдуллаевнинг серқирра ижоди, ҳислатлари, биз билмаган фазилатлари ҳақида ёзиш учун бир мақола озлик қилади.

Ҳофиз бир элга танилган хонанда, бир истеъдодли бастакор, бир созанда умр бўйи қиладиган ижодни ёлғиз ўзи уддалаган салоҳият соҳибидир.

Сайфиддин ОДИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ишлар халқ ижодиёти репертуар таҳрир ҳайъатининг бош муҳаррири.
Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«КАМАЛАК»НИНГ ЖИЛОСИ

Юртимизда телекоммуникация соҳасида ижобий силжишларга эришилмоқда. Мана бир йилдирки, давлат телерадиокомпанияси билан бир қаторда Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси— «Камалак—ТВ» телевидениеси ҳам фаолият кўрсатиб келяпти. Унинг асосий мақсади кўрсатувларни қабул қилиб олиб, мижозларга аъло сифатда етказишдан иборат.

«Камалак» телевидениеси айланасининг диаметри 6 метрлик антеннага эга. У телехизмат кўрсатишдан ташқари алоқа ишларини ҳам ўз зиммасига олган. Йўлга қўйилган бир томонлама алоқа анча арзон ва қулайлиги билан эътиборга лойиқдир. Келажакда «Камалак—ТВ» қўшма корхонаси ўз бўлимларини вилоятларда ҳам очишни режалаштирмоқда.

Соҳиб САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.

BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Ватанга севгак ҳаммодадир!
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қўмқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—20.10
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.